

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУСАИДОВ АКМАЛ АБДУВАЛИЕВИЧ

**ИШ БИЛАН БАНДЛИК НОДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Абдусайдов Акмал Абдувалиевич

Иш билан бандлик нодавлат хизматлари фаолиятини
ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш 3

Абдусайдов Акмал Абдувалиевич

Развитие и повышение эффективности деятельности
негосударственных служб занятости 27

Abdusaidov Akmal Abduvalievich

Development and improvement of performance of
non-governmental employment services..... 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУСАИДОВ АКМАЛ АБДУВАЛИЕВИЧ

**ИШ БИЛАН БАНДЛИК НОДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt742 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.reu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арабов Нурали Арабович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исламов Бахтиёр Анварович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рустамов Эркин Эркамович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

Етакчи ташкилот:

Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси 2021 йил «18» 12 кунин соат 10⁰⁰ даги Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.1.100.01 рақамли Илмий кенгашнинг мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3-уй. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; e-mail: info@reu.uz.

Диссертация иши билан Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3-уй. Тел.: (99871) 262-43-50;

Диссертация автореферати 2021 йил «7» 12 кунин тарқатилди.
(2021 йил «7» 12 даги 15 рақамли реестр баённомаси).



К.Х. Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, УзФА академиги,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

З.Г. Шакаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

З.Я. Худайбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолини иш билан таъминлаш, бу борада бандлик, айниқса, хусусий бандлик хизматлари самарадорлигини оширишда замонавий рекрутинг хизматларига талабнинг ошиши намоён бўлмоқда. Халқаро Меҳнат ташкилотининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Конвенцияси¹нинг (1997 й.) қабул қилиниши миллий хўжаликларда самарали иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва рекрутинг агентликлари фаолиятини такомиллаштириш учун муҳим ҳуқуқий асосни яратди. 2018 йилда «жаҳон рекрутинг хизматлари бозоридаги кўрсатилган хизматлар ҳажми 320195 млн. еврони ташкил этди. Бугунги кунда саккизта етакчи мамлакат (АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Нидерландия, Австралия, Бразилия) ҳиссасига дунё бўйича рекрутинг фаолиятдан келадиган даромадларнинг тўртдан уч қисми тўғри келмоқда»². Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда иш билан бандлик нодавлат хизматлари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши жараёнида иш билан бандлик нодавлат нодавлат хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, нодавлат иш билан бандлик хизматлари таснифи ва функциялари, хусусий бандлик хизматлари фаолиятини ташкил этиш усуллари, уларнинг ишлаш технологияси ва самарадорлигини баҳолаш механизмларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, амалга оширилаётган илмий изланишларда хусусий бандлик агентликларининг ривожланиш тенденциялари, улар фаолиятининг замонавий шакллари ва йўналишлари, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш каби илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар таркибида янги иш ўринларини яратиш, ишчи кучи сифат таркибини такомиллаштириш ва бандлик хизмати самарадорлигини ошириш, мазкур жараёнда нодавлат бандлик хизматини ривожлантириш, меҳнат бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда кадрларни танлаш ва ишга қабул қилиш тизимини янги поғонага кўтариш, бунда коррупцияга қарши курашишдан самарали восита сифатида фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. «Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошкора танлов тизими жорий этилади»³. Бу

¹ Конвенция № 181 Международной организации труда «О частных агентствах занятости» (19.06.1997 г.). - Информационно-правовое обеспечение «Гарант».

² Ciett. International Confederation of Private Employers Agency // URL: <http://www.dett.org/index.php?id=27>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>

вазифаларни ҳал этишда хусусий бандлик агентликларининг персонални танлаш ва ёллаш жараёнини такомиллаштириш, рекрутинг хизматларининг замонавий шакллари ва йўналишларини кенгайтириш, нодавлат иш билан бандлик хизматида кадрлар сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон «Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши, иш билан бандлик ва ишсизлик муаммоларининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар⁴, жумладан, Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, М.Фишер, Г.Э.Слезингер, Р.Д.Эренберг, А.Пигу ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

МДХнинг қатор олимлари, жумладан, А.И.Рофе, С.А.Карташов, Ю.Г.Одегов, И.А.Докорев, С.В.Дудников, О.А.Варфоломеева, Д.Чернейко, Н.Ведерникова, О.Колесникова, Г.К.Кязимов⁵лар меҳнат бозори инфра-тузилмаси ривожланиши бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борганлар.

Нодавлат иш билан бандлик хизматининг ривожланиши, рекрутинг хизматлари шаклланишини ўрганишга МДХ мамлакатлари олимларидан:

⁴ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – М.: МИЭМП, 2010; Маршалл А. Принципы экономической науки / А.Маршалл: В 3 т. – М.: Прогресс-Т.3. 1984. – 119 с.; Regional labor markets. Analytical contributions and cross-national comparisons. Ed. by. M.Fischer and P.Nijkamp. – Elsevier Science Publishing Co, 1987. – 500 p.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика/ Пер. с англ. – М., 1996, – 34 с.; Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики: учеб. пособие. – М.:ИНФРА-М, 1996. – 336 с.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния/ Пигу А.: В 2 т. – М.: Прогресс - Т.2, 1985. – 240 с.

⁵ Рофе А.И. Организация и нормирование труда. 2-е издание. Учебное пособие. – М.: Издательство «Проспект», 2016. – 319 с.; Карташов С.А., Одегов Ю.Г.Докорев И.А. Трудоустройство. Поиск работы. – М.: Изд-во «Экзамен», 2002. 384 с.; Дудников С.В. Программное регулирование содействия занятости населения в мегаполисе: монография. – М.: изд-во НИП «2Р», 2004; Варфоломеева О. Становление инфраструктуры рынка труда в переходной экономике (на примере Санкт-Петербурга). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Спб., 2001; Ведерникова Н., Гендлер Г. Инфраструктурная асимметрия на российском рынке труда // Человек и труд, 2001. – №2. – С. 57-59; Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд, 2002. – № 3. – С. 55-56; Чернейко Д. Рынку труда необходим действенный регулирующий механизм // Человек и труд, 2001. – № 6. – С. 20-22; Кязимов К. Г. Регулирование рынка труда и занятости населения. – Directmedia, 2017, – 203 с.

Т.Г.Аблизова, В.А.Базжина, Е.С.Кривов, Д.А.Овсянников Д.А., П.В.Беленко, К.Соколова⁶ кабилар муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши каби муаммолар Қ.Х.Абдурахмонов, Р.А.Убайдуллаева, Б.Х.Умурзаков, Ш.Р.Холмўминов, З.Я.Худойбердиев, Н.К.Зокирова, Н.Х.Рахимова, Г.Қ.Абдурахмонова, Н.У.Арабов ва бошқа олимлар⁷ томонидан тадқиқ қилинган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида иш билан бандлик нодавлат хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатлари қисман ўз аксини топган. Республикамизда нодавлат иш билан бандлик хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини комплекс баҳолаш услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларнинг етарли даражада эмаслиги мазкур мавзу бўйича чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ПЗ-20170928644 «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида нодавлат иш билан бандлик хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«рекрутинг» ва «хусусий бандлик агентлиги» категорияларининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда уларнинг такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;

нодавлат иш билан бандлик хизматлари таснифини ишлаб чиқиш ва уларнинг функцияларини аниқлаш;

⁶ Аблизова Т.Г. Социальная эффективность деятельности частных агентств занятости: институциональный аспект: Автореферат диссертации ... кандидата социологических наук: 22.00.04. - Екатеринбург, 2008; Базжина В.А. Предпосылки формирования координационного механизма на рынке рекрутинговых услуг // Экономические институты информационного общества. Сб. научн. трудов / Под ред. Б.В.Корнейчука. СПб.: Изд-во СПбГПУ, 2007; Кривов Е.С. Новые технологии исследования кадрового рынка. Анализ динамики кадрового рынка // Управление персоналом. - 2008. - № 15.-С. 12-15; Овсянников Д.А. Состояние и тенденции развития рынка рекрутинговых услуг в России / Д.А.Овсянников // Научно-технические ведомости СПбГПУ. - 2012. - № 4. - 0,4 п.л. - С. 42-45; Беленко П.В. Хедхантинг: принципы и технологии - СПб.: Питер, 2005; Соколова К. Российский рекрутмент глазами юбиляра // The Career Forum. - 2003.

⁷ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. - Тошкент: Mehnat, 2009 -512 б; Abdurahmonov Q.X, Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. O'quv qo'llanma. - T.: «Fan va texnologiya», 2013. – 536 b.; Рахимова Н.Х. Роль и место женщины на рынке труда Узбекистана, теория и практика.–Т.: Фан, 2006.; Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлиги. - Тошкент, 2006.; Умрзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва таксимланишининг ҳудудий усуллари / Монография. – Тошкент, «LESSON PRESS», 2017. – 184 б.; Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТДИУ, 2004. - 144 б; Худойбердиев З.Я. ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари (2-нашр) Ўқув қўлланма. – Тошкент, «ILM ZIYO», 2017. – 344 б.; Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Монография. – Тошкент: «Fan va texnologiyalar», 2017. – 336 б.

рекрутинг хизматлари бозорини хорижий мамлакатлар рекрутментининг фаоллиги ва оммалашганлигини баҳолаш мезонлари асосида кластерларга таснифлаш;

нодавлат иш билан бандлик хизматини ташкил этиш усулларининг таққослама таҳлилини амалга ошириш;

республикада нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари ва уларнинг ишлаш технологиясини аниқлаш;

хусусий иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш методикасини такомиллаштириш;

хусусий иш билан бандлик хизмати фаолиятининг замонавий шакллари ва йўналишларини таснифлаш;

давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари ўзаро ҳамкорлигини таъминлашнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш;

нодавлат иш билан бандлик хизматида кадрлар сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг ижтимоий-иқтисодий усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти меҳнат бозори ва хусусий бандлик агентликлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида нодавлат иш билан бандлик хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаштириш, индукция-дедукция, тизимли таҳлил, мантикий ва таққослама таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, статистик таҳлил ва социологик сўров каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши таснифи рекрутинг агентликлари бизнесини диверсификациялаш даражаси, хизматларни кўрсатиш шартлари, персонални танлашнинг фирма ичидаги иерархияси ва технологиясига кўра такомиллаштирилган;

хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи иш жойи ёки ходимни танлаш эркинлиги ва персонал мотивацияси даражаси асосида такомиллаштирилган;

ходимларни мақсадли танлаш, ягона бўш иш жойлари банкини яратиш, умумий стратегик мақсадларга эришишга йўналтирилган қўшма тадбирларни ўтказиш асосида давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик механизми такомиллаштирилган;

хусусий бандлик агентлиги кадрлар сиёсати самарадорлигини кадрлар сиёсати, персонални бошқариш хизмати фаолияти самарадорлиги ва умум-фаолият натижаларини эксперт баҳолаш негизида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

замонавий меҳнат бозори сифат кўрсаткичларининг энг муҳим мезони сифатида «рекрутинг», «хусусий бандлик агентликлари» категорияларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунига оид муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

меҳнат бозорида хусусий бандлик агентликлари фаолияти самарадорлигини миқдорларга хизмат кўрсатишнинг ҳудудий, ижтимоий-демографик ва касбий-малака тавсифи асосида баҳолаш ва ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

ривожланган мамлакатлар тажрибасига мувофиқ меҳнат бозорида рекрутинг агентликлари фойдаланадиган замонавий технологиялар асосида иш берувчиларнинг барча талабларини тўлиқ қондиришга йўналтирилган персонални танлаш услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли ҳулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-методологик таклиф ва тавсиялар иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва иш билан бандликни таъминлашнинг нодавлат тузилмаларини ривожлантиришга оид илмий аппаратни такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аҳоли иш билан бандлигини ошириш ҳамда иш ўринларини ташкил этиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, давлат ва нодавлат бандлик хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришга оид комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, «Меҳнат иқтисодиёти», «Кадрлар менежменти», «Рекрутмент». «Инсон ресурсларини бошқариш» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда улардан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамизда иш билан бандлик нодавлат хизматлари фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рекрутинг агентликлари бизнесини диверсификациялаш даражаси, хизматларни кўрсатиш шартлари, персонални танлашнинг фирма ичидаги иерархияси ва технологиясига кўра, нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланишининг такомиллашган таснифидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш концепцияси ва дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 01/00-04/07-5485-сон маълумотномаси). Ушбу

таклифдан фойдаланиш натижасида нодавлат иш билан бандлик хизматини муайян белгилари бўйича таснифлаш асосида иш берувчилар ва ишчи-ходимларга кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва йўналишларини аниқлаш имкони яратилган;

иш жойи ёки ходимни танлаш эркинлиги ва персонал мотивацияси даражаси асосида хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг такомиллашган таснифидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 01/00-04/07-5485-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш хусусий бандлик агентликлари томонидан персонални саралаш ва танлаш бўйича иш берувчилар талабини қаноатлантирганлик даражасини 1,2 мартага ошириш имконини берган;

давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик механизмининг ходимларни мақсадли танлаш, ягона бўш иш жойлари банкини яратиш, умумий стратегик мақсадларга эришишга йўналтирилган кўшма тадбирларни ўтказиш асосида такомиллаштириш таклифи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш услубий-амалий фаолиятида фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 01/00-04/07-5485-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари ўртасида конкрет бўш иш ўринларига мутахассис ва ходимларни танлаш асосида расмий ишсизлар сонини 15 % га қисқартириш имконини берган;

хусусий бандлик агентлиги кадрлар сиёсати самарадорлигини кадрлар сиёсати, персонални бошқариш хизмати фаолияти самарадорлиги ва умум-фаолият натижаларини эксперт баҳолаш негизида амалга ошириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш концепцияси ва дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 01/00-04/07-5485-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш кадрлар хизмати фаолияти ва персонални бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш ва уларни режалаштириш жараёнини оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, республика миқёсидаги 4 та ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, SCOPUS базасида 1 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 172 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида меҳнат бозори сифат кўрсаткичларининг энг муҳим мезони сифатида унинг функционал элементлари ва таркибий қисмларининг моҳиятини тавсифловчи илмий ёндашувларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида «рекрутинг», «хусусий бандлик агентликлари» категорияларининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ва рекрутинг хизматларини амалга оширишнинг асосий босқичлари аниқланган. Шунингдек, иш билан бандлик нодавлат хизматлари таснифланиб, персонални қидириш ва танлаш бўйича хусусий бандлик агентликларининг функциялари аниқланган ҳамда иш билан бандлик нодавлат хизматлари ривожланишининг хориж тажрибаси илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ҳозирги жаҳон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан трансформациялашуви шароитида аҳолининг иш билан бандлик даражаси миллий хўжаликлар иқтисодиётининг ривожланишини аниқловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Меҳнат бозори ва иш билан бандлик соҳасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш янгича ёндашувни, меҳнат бозори элементларини тадқиқ этишда тизимлиликини, бозор категориялари ва тушунчаларининг услубий базасини кенгайтиришни талаб этади. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши бўйича ислохотларни чуқурлаштириш келгусида иш билан бандлик соҳасидаги институционал тузилмалар фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг норматив-ҳуқуқий базаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Рекрутинг – бу буюртмачи компания учун зарур бўлган даврда персонални қидириш ва танлашга йўналтирилган жараёндир.

Бизнинг фикримизча, рекрутмент – бу ташқи меҳнат бозоридан, буюртмачининг мувофиқ равишда, касбий ва малака талабларига жавоб берадиган юқори маҳоратли мутахассисларни корхона (ташкилот)нинг вакант лавозимларини тўлдириш учун уларни танлаш ва ёллаш бўйича комплекс ташкилий тадбирларни ўтказишга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Хусусий бандлик агентлиги – бу меҳнат бозорида иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ ходимларни танлаш, саралаш ва ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи ҳамда ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотидир.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида етарли даражада инсон ресурсларининг замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги таъминоти давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, замонавий меҳнат бозорида нодавлат иш билан бандлик хизматларининг трансформациялашуви асосида рекрутнинг агентликлари бизнесини диверсификациялаш даражаси, тақдим қилинаётган хизматларни кўрсатиш шартлари, персонални танлашнинг фирма ичидаги иерархияси ва технологияси бўйича таснифи ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Нодавлат иш билан бандлик хизматининг қуйидаги белгилари бўйича таснифи⁸

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Персонални танлашнинг асосий усулга ажратилишига асосланган рекрутинг хизматлари таснифи бир неча хизматларга ажратиш имконини беради. Буларга: бўш иш ўринлари талабига жавоб берадиган номзодларни излаш мақсадида меҳнат бозорининг кенг кўламдаги тадқиқоти бўйича хизматлар (Executive Search усули), ноёб мутахассисларни танлаш бўйича хизматлар (Head Hunting, - «ақллар учун курашиш»), резюме маълумотлар базасини кўриш йўли билан фаол номзодлар рўйхатидан бўш иш ўринларига номзодларни қидириш бўйича хизматлар, ходимнинг ўз компанияси штатидан ташқарида бошқа компания иш берувчиси билан тузган меҳнат шартномаси асосида у томонидан берилган вазифани бажариш бўйича хизматлар (аутстаффинг), қисқа муддатли ишлар ёки қисқа муддатли лойиҳалар учун ходимларни танлаш бўйича хизмат турлари киради.

Рекрутинг хизматлари тизими ривожланишининг замонавий даражаси учун асосий ва бир вақтда содир бўладиган хизматларни диверсификациялаш тенденцияси ҳамда маслаҳат ва таълим йўналишидаги фан сиғими юқори бўлган турдаги хизматларнинг шаклланиши характерлидир.



2-расм. Хусусий иш билан бандлик хизмати тузилмаларининг таснифи⁹

Хусусий иш билан бандлик хизмати тузилмалари персонални танлаш иерархиясининг: корхона даражасида амалга ошириш, рекрутинг фирмалари персонални танлашда фирма ичидаги меҳнат тақсимотининг горизонтал йўналишлари, персонални ёллашнинг турлари, таклиф этилаётган хизматларнинг кўринишлари, функцияларнинг тақсимланиши, хизматларни тақдим қилиш усуллари бўйича таснифи ишлаб чиқилди.

Персонални саралаш ва танлаш бўйича агентликларнинг асосий мақсади – иш берувчилар томонидан қўйилган талабларга жавоб берадиган мутахассисларни буюртмачи-компанияда ишлаш учун танлашдан иборат.

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур агентликларнинг асосий вазифаси иш билан бандлик самарадорлигининг ошиши, иқтисодийнинг самарали ривожланаётган соҳалари ва тармоқлари ўртасида ишчи кучини қайта тақсимлаш ва мамлакатда инсон ресурслари ривожланиши ҳисобланади. Асосий бизнес жараёнининг реализация қилинишига кўра, персонални саралаш ва танлаш бўйича агентликнинг функцияларининг бажарилиши унинг асосий ва ёрдамчи турлари бўйича таснифланди.

Ҳозирги вақтда МДХ мамлакатларида рекрутинг агентликлари, асосан, бошқарувнинг юқори ва ўрта даражаларига персонални қидириш ва танлаш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, қуйи даражага мутахассисларни ишга жойлаштириш кам миқдорни ташкил этади. Ишга жойлашиш бўйича номзодларни қидиришнинг асосий усули сифатида рекрутинг агентликларининг улар тўғрисидаги маълумотлар базасидаги ахборотлардан фойдаланиш ҳисобланади. Бунда персонал ҳақида ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш тизими қуйидаги элементларни ташкил этишдан иборатдир: потенциал номзодлар ҳақида ахборотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш ва саралаш; ахборотлардан фойдаланувчиларнинг маълумотга эга бўлиш имкониятини кенгайтириш; потенциал номзодлар тўғрисида маълумотларни доимий янгилаб туриш жараёнини ташкил этиш; ахборотларнинг қайта такрорланишини минимумга тушириш; маълумотлар базасидан потенциал номзодларни бошланғич танлаш жараёнини амалга ошириш.

Интернет тармоғидаги хизматлар билан боғлиқ электрон рекрумент ҳозирги кундаги рекрутинг хизматларининг янги кўриниши ҳисобланади. Шундай экан, кадрлар агентлигининг яқин келажакдаги рақобатчиси, Интернет тармоғидаги виртуал рекрутинг агентликлари бўлиши мумкин. Кейинги йилларда интернет тармоғида пайдо бўлган кўпчилик меҳнат биржалари (ёки виртуал агентликлар) ўзларининг маълумотлар базасига эга бўлиб, касбий белгилар бўйича аниқ ахборотлар олиш имкониятини беради. Виртуал агентликлардаги «ишчи» сайтларнинг асосий устунлиги шундаки, ахборотлар олиш тез, ҳаммабоп ва бепул амалга оширилади¹⁰.

Рақамли иқтисодийни ривожлантириш шароитида виртуал агентликлар ўзларининг электрон ресурслари асосида ҳам иш берувчилар, ҳам ишчи кучи учун қулай шарт-шароитларни яратади. Бунинг асосий сабаби, оммавий ахборот воситаларидаги иш билан бандликни таъминлаш бўйича эълонларга нисбатан Интернетдаги ишчи сайтлар орқали номзодларга тўлиқ ва аниқ маълумотлар асосида талабни ва бўш иш ўринлари ҳақида маълумотларни шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Бундай вазият, бир томондан, номзодларнинг иш қидириш сифатини оширса, иккинчи томондан, иш берувчиларнинг кўп сонли номзодлар ичидан ихтиёрий тарзда уларни танлаш имкониятлари кенгайди.

¹⁰ Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2016. 132-б.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари ҳам Интернетдан номзодлар ва бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар базасини тўлдириш мақсадида фойдаланадилар. Шундай экан, аксарият иш берувчилар учун виртуал агентликлардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши иш билан бандлик самарадорлигини оширади. Бироқ, иш қидирувчилар учун маълум бир даражада имкониятлар чегараланади. Чунки, потенциал номзоднинг касбий билими, кўникмалари ва малакаси етишмаса, иш билан бандлик даражасини ошириш юзасидан уларнинг Интернет тармоғидаги имкониятлари ошмайди.

Хорижий мамлакатларда иш билан бандлик нодавлат хизматлари фаолиятини тадқиқ этиш асосида республикамизда хусусий бандлик хизматини ривожлантириш бўйича қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди: вақтинчаликдан доимийга ўтиш бўйича хизматларни кенгайтириш; персонал лизинги бўйича хизматларни ривожлантириш; касбий маҳорати юқори бўлганлар ва мутахассисларни вақтинчалик тақдим қилиш бўйича хизматларни шакллантириш; персонални танлаш ва ишга жойлаштириш бўйича хизматларни диверсификациялаш; маҳаллий мижозлар томонидан буюртмалар сонининг ўсиши ҳамда жойларда рекрутинг компаниялари томонидан персонални ўқитишнинг доимий дастурлари билан боғлиқ худудий хизматлар сифатини ошириш.

Диссертация ишининг **«Нодавлат иш билан бандлик хизматини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш омиллари ва тенденциялари»** деб номланган иккинчи бобида нодавлат иш билан бандлик хизмати фаолиятини ташкил этиш усуллари таққослама таҳлил қилиниб, республикамизда нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг худудий хусусиятлари аниқланган, персонални саралаш ва танлаш жараёнида агентликлар фойдаланадиган технологияларнинг таснифи ишлаб чиқилган ҳамда хусусий иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш методикаси илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштирилган.

Ҳозирги вақтда персонални танлаш усуллари ва жараёнлари мунтазам такомиллашиб, ҳар йили ташкилотлар штатларини тўлдиришнинг турли хил янги услублари пайдо бўлмоқда.

Рекрутингни ўтказиш усули – бу муносиб ходимларни мувоффақиятли танлашни таъминлаш заруратини ифодаловчи тартибга солинган ҳаракатлар йиғиндисиدير. Самарасиз усул ёки унинг технологияси жараён натижадорлигини пасайишига олиб келади, энг ёмон ҳолатда, ҳақиқатдан ҳам, салбий натижага олиб келади. Муайян усулда самарали технологияларнинг қўлланилиши, аксинча, натижадорликнинг жиддий тарзда ошишига олиб келади.

Рекрутинг агентликлари фаолияти: Executive Search, аутплэйсмент, event-рекрутинг, оммавий рекрутинг, general recruitment, скрининг (элаш), прелиминаринг, Graduate Recruitment, персонал аутсорсинги усуллари бўйича таснифланди. Бунда ҳар бир усулнинг қўлланилиши самарали технологиялар асосида амалга оширилиб, муайян мақсадлар ва йўналишларда турлича

билим, касбий кўникма ва малакага эга мутахассисларни танлаш жараёнини қамраб олади.

Executive Search – юқори раҳбарлар таркиби ва эксклюзив мутахассисларни танлаш. Бу жараёнда номзодларни тўғридан-тўғри қидириш амалга оширилади. Одатда, ўзи фаол тарзда иш қидирмайдиган кучли номзодга таъсир кўрсатилади ва ўзига оғдирилади. Ушбу усулни амалга оширишнинг асосий босқичлари 3-расмда келтирилган. Executive Search усулини амалга оширишнинг барча босқичлари тугатилгандан сўнг якуний қарор қабул қилинади.



3-расм. Executive Search усулининг асосий босқичлари¹¹

Ҳозирги вақтда хусусий агентликлар томонидан қўлланиладиган рекрутингни асосий усуллари бўйича ҳар бир рекрутёр олдида ушбу усулларни қачон ва қаерда қўллаш заруратидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишнинг таққослама таҳлили илмий-услубий жиҳатдан асосланди ҳамда номзодларни қидириш кўлами ва танлаш сифати ҳамда кўрсатилган хизматлар баҳосининг даражаси бўйича хулосалар ишлаб чиқилди.

Headhunting – Executive Search усулининг хилма-хиллиги бўлиб, бунда аниқ мутахассис учун «ов» ва уни компанияга оғдириш амалга оширилади¹². Одатда, Хедхантингга раҳбарликнинг юқори бўғини (топ-менежерлар), муҳим мутахассислар, кам учрайдиган ва профессионал даражаси бўйича мутахассисларни қидиришда мурожаат қилинади. Бугунги кунда бу хизмат тури жуда оммавий ва зарур хизмат ҳисобланади. Хедхантингнинг мақсади муваффақиятли менежер билан касбий алоқа ўрнатиш ва буюртмачи

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹² Чуланова, О. Л. Актуальность компетентностного подхода в управлении персоналом [Электронный ресурс] / О. Л. Чуланова // Науковедение (электронный журнал). – 2014. – №5(24). – С.8-9.

компанияга унинг ўтиши мумкин бўлган шарт-шароитларни, мотивларни аниқлаш ҳисобланади.

Outplacement – рекрутингнинг яна бир усули. Ушбу усул ташкилот персонал сонини қисқартиришга мажбур бўлган инқирозли ҳолатларда қўлланади¹³. Мазкур ҳолатда рекрутинг агентлиги буюртмачи компаниядан бўшатишга ходимларни муайян муддатга, муайян шартлар асосида ишга жойлаштириш билан шуғулланади.

Event-рекрутинг – иш берувчи ташкилотларга қандайдир фойда (молиявий, реклама) келтирувчи бўш лавозимларга номзодларни жалб қилиш билан бир вақтда, махсус тадбирларни қўллаш (масалан, очиқ эшиклар кунини ташкил этиш, акциялар, танловлар ўтказиш, стажировкалар).

Оммавий рекрутинг – малакали бўлмаган персонални, яъни номзоддан махсус билим талаб қилмайдиган махсус лавозимларга оммавий қидириш ва танлаш. Унда номзодни танлашнинг асосий мезони бўлиб, меҳнат қилишга хоҳиши ва бажарилаётган ишга салоҳиятининг мавжудлиги ҳисобланади. Оммавий рекрутинг катта миқдордаги бўш иш жойларини қисқа муддатда банд қилиш зарурати бўлганда қўлланилади. Мазкур технологияга эҳтиёж, айниқса, иқтисодиётнинг ўсиши чизиқли даражада ишчиларга улкан миқдорда талабнинг ошишини юзага келтирса, жадал ривожланаётган бозорда долзарб ҳисобланади. Шундай экан, рекрутинг хизматларининг ушбу кўриниши иқтисодиётнинг юксалиши даврида ва оммавий мавсумий ишларда кенгайди.

Прелиминаринг (preliminaring) – ёш, таланти ва истиқболли ОТМ битирувчиларини ҳамда юқори курс талабаларини ҳам доимий ишга, ҳам вақтинчалик стажировка шароитига жалб қилиш орқали буюртмачи компания штатини ёшартиришнинг муҳим усулидир. Компанияда ёш мутахассисларнинг бўлиши, келгусида унинг муваффақияти ва юксалишига боғлиқ ҳолда аҳамиятли омиллардан бири ҳисобланади¹⁴.

Graduate Recruitment – яқинда битирган битирувчилар ва талабалар ўртасида компаниялар учун келажакда кадрлар захирасини шакллантириш ва тўлдириш бўйича ёш мутахассисларни қидириш. Ушбу усул – келажакда ишга жойлаштириш мақсадида бошланғич касбий позицияни эгаллашга ОТМ битирувчиларини танлашни ифодалайди.

Кейинги пайтларда ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг давлат ва нодавлат тузилмаларининг шаклланиш самарадорлигини баҳолаш масалаларига кўпчилик тадқиқотчилар ўз эътиборини қаратмоқдалар. Хусусий иш билан бандлик агентликларини республикамиз шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида ривожланиш хусусиятлари қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқдир: хусусий иш билан бандлик агентликларининг фаолияти, асосан, марказий шаҳарларда самарали ҳисобланади, чунки уларнинг фаолияти, асосан, меҳнат бозорининг малакали сегментига йўналтирилган; қишлоқ жойларда иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини етарлича ривожланмаганлиги,

¹³ Чуланова, О. Л. Концепция компетентностного подхода в управлении персоналом [Электронный ресурс] / О. Л. Чуланова // Наукоеведение (электронный журнал). – 2013. – №5. - 17 с.

¹⁴ Ўша жойда.

қишлоқ ҳудудлари инвестицион жозибадорлигининг юқори эмаслиги мавжуд иш ўринлари аксариятининг иқтисодий жиҳатдан нуфузи пастлигини сақлаб келмоқда; хусусий бандлик агентликлари томонидан хорижга ишчи кучини экспорт қилиш бўйича тўсиқларнинг мавжудлиги; ишга жойлаштириш бўйича хусусий бандлик агентликлари потенциал имкониятларининг юқори эканлиги; хусусий бандлик агентликлари тақдим қилаётган бўш иш жойлари сифати ва тўлиқ ахборотларга эгаллиги билан давлат иш билан бандлик хизматига нисбатан устунлиги.

Ижтимоий институт сифатида хусусий бандлик агентликлари самарадорлигини оширишнинг энг муҳим мезонларидан бири ижтимоий эҳтиёжларни қондириш орқали мотивация даражасини ошириш ва ресурслардан энг оқилона фойдаланишда ташкилий тузилмани ўзининг эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Шунга кўра, хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими иш жойи ёки ходимни танлаш эркинлигининг кенгайиши ҳамда персонал мотивацияси даражасини оширишни акс эттирувчи кўрсаткичлар асосида такомиллаштирилди.

1-жадвал

Агентлик мижозларининг компанияда оммалашганини асослаш¹⁵ (1 энг кам тарқалган ... 5 энг кенг тарқалган):

1.	Мукофотлаш тизими	12345
2.	Меҳнатнинг мазмундорлиги	12345
3.	Меҳнатнинг қулай санитар-гигиена шароитлари	12345
4.	Спорт зал, бассейн кабиларга абонемент олиш	12345
5.	Ходимлар овқатланишини ташкил этишга тегишли имтиёзлар	12345
6.	Ходимлар йўл чиптасини ташкил этишга тегишли имтиёзлар	12345
7.	Дам олиш ва даволаниш тўловлари	12345
8.	Жамоада хайрихоҳлик	12345
9.	Раҳбарият билан хайрихоҳлик	12345
10.	Раҳбарият ишининг демократик услуби ва усуллари	12345
11.	Жамоа ишининг натижаларига таъсир кўрсатиш имкониятлари	12345
12.	Касб ва лавозим ўсишининг истиқболлари	12345
13.	Раҳбарият томонидан ишни баҳолаш объективлиги	12345
14.	Таълим олиш ва малакани ошириш имкониятлари	12345
15.	Энг замонавий ва қулай жиҳозлар билан таъминланганлик	12345
16.	Корпоратив байрамлар	12345
17.	«Энг яхши...» корпоратив танловлар	12345
18.	Раҳбарнинг шахсий намунаси	12345

Нодавлат иш билан бандлик хизматлари фаолиятининг самарадорлиги уларнинг рейтингини аниқловчи кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Хусусий бандлик агентликларининг хизматларидан қаноатланиш кўрсаткичлари, иш қидиришда вақтни тежаш, хусусий бандлик агентликлари орқали ишнинг жойлашуви натижасида меҳнат шароитларини ўзгариши ҳамда карьерани ўстириш имкониятлари ҳисобланади. Хусусий бандлик агентликлари

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлашда корхоналарда мотивация тизимини ошириш учун иш сменасига респондентнинг тайёрлигини билвосита кўрсатиш имконини берувчи сўралганларнинг мотивация даражасини баҳолаш зарур. Бунда энг оммавий мотиваторлардан фойдаланиш зарур. Агентлик томонидан таклиф этиладиган бўш иш ўринларига моддий ва номоддий мотивациялар шароитини аниқлаш учун саволлар қуйидагича тузилди (1-жадвал).

Олинган ахборотлар асосида агентлик рейтинги аниқланиши керак, бироқ бошқа агентликларга нисбати бўйича эмас, айнан тақдим қилинаётган хизматларга нисбатан жараён амалга оширилиши зарур. Хусусий бандлик агентликлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ушбу тизими персонални саралаш ва танлаш бўйича иш берувчилар ва номзодларнинг энг профессионал танловини амалга оширишга қодирдир. Агентликларга рейтинг бериш, ўз навбатида, уларнинг хусусий фаолиятини юксалтириш ҳамда профессионал фаолиятини ошириш имконини беради.

Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ривожлантириш асосида персоналга сифатли хизматлар кўрсатиш ҳамда иш берувчиларнинг талабини тўлиқроқ қондириш бўйича ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш социологик сўровлар ўтказишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

2020 йил январь ойида диссертация муаллифи томонидан Самарқанд вилоятида хусусий бандлик хизмати фаолияти ривожланишини ўрганиш мақсадида давлат ва хусусий бандлик агентликларига иш сўраб мурожаат қилган ишсизлар билан социологик сўровлар ўтказилди.

2-жадвал

Респондентларнинг хоҳишига кўра, хусусий бандлик агентликлари хизматидан фойдаланиш имкониятлари¹⁶

Кўрсаткичлар	Эркаклар	Аёллар	Иккала жинс
Юқори малакали (эксклюзив) мутахассислар учун бўш иш жойлари банкига эга бўлса	20,2%	12,5%	17,1%
Қисқа муддатда иш топиб берса	10,6%	12,5%	11,4%
Иш жойи кафолатланган бўлса	14,9%	12,5%	13,9%
Иш жойи нуфузли бўлса	10,6%	12,5%	11,4%
Юқори сифатли хизматлар кўрсатса	12,7%	14,1%	13,3%
Касбга тайёрлашнинг замонавий тизими мавжуд бўлса	11,7%	14,1%	12,6%
Иш жойи ҳақида тўлиқ ахборотларга эга бўлиш имконияти бўлса	11,7%	12,5%	12,0%
Бу ташкилот ҳақида маълумотга эга эмасман	7,4%	9,4%	8,2%

Респондентлардан, «Сиз ишга жойлашиш мақсадида қайси бир ҳолатда хусусий бандлик агентликлари хизматидан фойдаланишни хоҳлардингиз?» деб сўралганда: «юқори малакали (эксклюзив) мутахассислар учун бўш иш жойлари банкига эга бўлса» деб – 17,1 %, «қисқа муддатда иш топиб берса»

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- 11,4 %, «иш жойи кафолатланган бўлса» – 13,9 %, «иш жойи нуфузли бўлса» – 11,4 %, «юқори сифатли хизматлар кўрсатса» – 13,3 %, «касбга тайёрлашнинг замонавий тизими мавжуд бўлса» – 12,6 %, «иш жойи ҳақида тўлиқ ахборотларга эга бўлиш имконияти бўлса» деб - 12,0 % ва «бу ташкилот ҳақида маълумотга эга эмасман» деб – 8,2 % жавоб берган (2-жадвал).

Социологик сўров натижаларига кўра, хусусий бандлик агентликларининг давлат иш билан бандлик хизматига нисбатан миждозларга хизмат кўрсатиш бўйича қандай устун томонларга эга? – деган саволга, респондентларнинг 24,7 % – кафолатланган бўш иш жойлари билан, 19,6 % - қисқа муддатда ишга жойлаштириши билан, 18,4 % – юқори даражада сифатли хизматлар кўрсатиши билан, 13,9 % – нуфузли иш жойларининг кўплиги билан, 7,0 % – замонавий қайта ўқитиш ва малакасини ошириш билан ва 16,4 % – бошқа фикрлар мавжуд деб жавоб бердилар. Шундан, эркаклар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, 26,5 % – кафолатланган бўш иш жойлари билан, 19,4 % – қисқа муддатда ишга жойлаштириши билан, 17,3 % - юқори даражада сифатли хизматлар кўрсатиш билан, 11,2 % – нуфузли иш жойларининг кўплиги билан, 11,2 % – замонавий қайта ўқитиш ва малакасини ошириш билан ва 14,3 % – бошқа фикрлар мавжуд деб жавоб бердилар (3-жадвал).

3-жадвал

Хусусий бандлик агентликларининг давлат иш билан бандлик хизматига нисбатан миждозларга хизмат кўрсатиш бўйича устун томонлари¹⁷

Кўрсаткичлар	Эркаклар	Аёллар	Иккала жинс
Кафолатланган бўш иш жойлари билан	26,5%	21,7%	24,7%
Қисқа муддатда ишга жойлаштириши билан	19,4%	20,0%	19,6%
Юқори даражада сифатли хизматлар кўрсатиш билан	17,3%	20,0%	18,4%
Нуфузли иш жойларининг кўплиги билан	11,2%	18,3%	13,9%
Замонавий қайта ўқитиш ва малакасини ошириш билан	11,2%	-	7,0%
Бошқалар бўлса, ёзинг	14,3%	20,0%	16,4%

Респондентлар билан ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, иш билан бандлик нодавлат хизматлари ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат: хусусий бандлик агентликлари хизматидан аҳолининг қониқиши даражасини ошириш; ҳудудда хусусий бандлик агентликлари кўрсатадиган хизматлар баҳосининг мақбуллигини таъминлаш; хусусий агентликларнинг респондентларга таклиф этилаётган бўш иш ўринларининг жозибадорлигини ошириш; агентликка нисбатан ишончининг мавжудлиги; хусусий бандлик агентликларида мурожаатлар тезлиги; янги иш жойларини қидиришга вақтни тежаш; хусусий бандлик

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

агентлиги орқали ишга жойлашиш орқали меҳнат шароитларининг ўзгариши; хусусий бандлик агентликлари орқали топилган янги иш жойларида карьеранинг ўсиш имкониятларининг мавжудлиги.

